

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “МЭИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КУЛДАШОВ ҒОЛИБЖОН ОББОЗЖОНОВИЧ**

**ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ҒАРАМЛАРДА САҚЛАШНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар. Мехатроника ва  
робототехник тизимлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Кулдашов Голибжон Оббозжонович**

Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва  
бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими..... 3

**Кулдашов Голибжон Оббозжонович**

Система автоматизированного контроля и управления хранением хлопка  
– сырца в бунтах..... 23

**Kuldashov Golibjon Obbozjonovich**

Automated control and management system for storage of raw cotton in riots.. 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ “МЭИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ФЕДЕРАЛ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАСИНИНГ ФИЛИАЛИ  
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**КУЛДАШОВ ҒОЛИБЖОН ОББОЗЖОНОВИЧ**

**ПАХТА ХОМАШЁСИНИ ҒАРАМЛАРДА САҚЛАШНИ НАЗОРАТ  
ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар. Мехатроника ва  
робототехник тизимлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2022 йил**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2865 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали ҳамда Наманган муҳандислик технологиялари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) веб-саҳифаси манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Далиев Хожакбар Султанович**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Джураев Анвар Джураевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Мўминов Мансурбек Рахимович**  
техника фанлари фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил “17” декабрь соат 09<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти 3-бини, 2-қават, 313-хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 201-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07.)

Диссертация автореферати 2022-йил 06-декабрь куни тарқатилди.  
(2022-йил 06-декабрдаги № 93-рақамли реестр баённомаси).



*Мурад*  
*Бобо*  
*Холиков*

**Р.М. Мурадov**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

**Х.Т. Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, доцент

**Қ.М. Холиков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг зарурлиги ва долзарблиги.** Жаҳонда пахта хомашёсидан олинадиган маҳсулотлар сифатини ошириш, уни сақлашни ташкил этиш ва барча босқичларда оптимал қайта ишлаш технологияси режимларига риоя қилиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Пахта дунёнинг асосан 38 мамлакатида етиштирилади ва бу маҳсулот умумий пахта миқдорининг 95 фоизини ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Пахта хомашёсидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати унинг асосий характеристика ҳисобланиб, истеъмолчиларнинг ортиб бораётган талабларини қондиришнинг энг самарали воситасидир. Тўғри сақлаш ва технологик қайта ишлашни танлаш пахта хомашёсининг сифат кўрсаткичларига, яъни уни ғарамларда сақлашда намлиги ва ҳароратига боғлиқ. Ушбу параметрларни нотўғри назорат қилиш исталмаган оқибатларга олиб келади. Шу сабабли пахта хомашёсидан олинадиган материаллар сифатини оширишда, уни ғарамларда сақлаш жараёнларини автоматлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тўқимачилик маҳсулотлари сифати ва рақобатбардошлигини таъминлашда тайёрлов масканларига қираётган пахта хомашёсини назорат қилиш ва ғарамларда сақлаш жараёнларини автоматлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда жумладан пахтани узоқ вақт яхши ҳолатда сақлаш ва ундан сифатли тола олиш, ўз-ўзидан қизиқ кетиш жараёнларини олдини олиш учун аниқлик даражаси юқори бўлган замонавий ўлчов асбоблари асосида бошқарув тизимларини яратиш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Ёнғин хавфи юқори ҳисобланган пахта ғарамларида, учкун ҳосил қилмайдиган ва компьютерларга уланишни имконияти мавжуд бўлган рақамли инфрақизил ўлчов қурилмалари асосида пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда пахтачилик ва унга боғлиқ бўлган қайта ишлаш саноати муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Жумладан, пахта хомашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва ундан юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тола ишлаб чиқариш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга кўпайтириш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда хусусан, хомашё, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини назорат қилувчи замонавий ўлчаш усуллари ва қурилмалари асосида пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт

---

<sup>1</sup> The ICAC recorder. June 2021 Volume XXXIX, No. 2. ISSN 1022-6303. <https://www.icac.org>

стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини кўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ва 2021 йил 4 декабрдаги 733-сон “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. “Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан, University of Michigan ва General Electric (АҚШ), НАВК (Буюк британия), Sony и Tokyo technology institute, Mitshybushi (Япония), University of Cantabria (Испания), Кострома давлат технология университети (Россия), Иваново давлат тўқимачилик академияси (Россия) ва “Пахта саноат илмий маркази” АЖ, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини яратиш бўйича долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини такомиллаштиришнинг илмий муаммоларини ечишга L. Zoltan, N. Bardahl, A. Schilling, E. Zimmermann, R. Arey, X.A. Фарадж, Ф.А. Валиев, М.Н. Нуриев, ҳамда Ўзбекистонлик олимларимиз Р.А. Гуляев, А.Е. Лугачев, Б.М. Мардонов, Б.Г. Қодиров, М.Т. Ходжиев, Р.Х. Мақсудов, Р. М. Мурадов ва бошқалар муайян хисса қўшишди. Ушбу олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан корхоналарни автоматик бошқариш тизимларининг асослари ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди, ушбу тизимлар учун оригинал конструкциялар ва схематик ечимлар таклиф этилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Шу билан бирга, хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини такомиллаштиришда ғарамларда ҳароратни назорат қилиб, фавқулотда вазиятларни бартараф этувчи, пахта хомашёсини ғарамларда сақлашда ҳароратни мониторинг қилиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган ташкилотда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-165-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Намлик ва ҳароратни масофадан назорат қилувчи

рақамли қурилмани ишлаб чиқиш” давлат илмий-техник дастури доирасида Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллий тадқиқот университети федерал давлат бюджети олий таълим муассасасининг филиали, Наманган муҳандислик-технология институтида олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар режаси билан ўзаро узвий боғланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги амалий тадқиқотлар давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** TRACE MODE дастурий пакети ва TPM138 универсиал саккиз каналли ўлчаш-бошқариш қурилмаси асосида пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғарамлардаги қуруқ ва нам пахтанинг ИҚ нурланиш оқимлари фарқини таққослаш ва пахтанинг ўзининг иссиқлик нурланиш оқимини ўлчашга асосланган намлик ва ҳароратни назорат қилувчи самарадор оптоэлектрон усулларни аниқлаш;

юқори аниқликка эга рақамли инфрақизил намлик ўлчагич орқали пахта хомашёси ғарамини назорат қилиш, ўлчов маълумотларини мониторинг тизимининг WEB Server орқали маълумотлар базасига (Data Base) узатиш ва пахта хомашёси сифатини сақлаш ва ўз-ўзидан қизишни олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш;

намлиги 11,0 % гача бўлган I-II нав, намлиги 13,0 % гача бўлган паст навли пахтани узоқ вақт сақлашда, ҳарорати 35 °C дан юқори бўлганда ғарамдаги туннеллар орқали иссиқ ҳавони чиқариб ташлаб совутишнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш;

TRACE MODE дастурий пакети ва TPM138 универсиал саккиз каналли ўлчаш-бошқариш қурилмаси асосида пахта ғарамларида хомашёнинг ҳароратини ортиб кетишини олдини олиш, сақлашда ҳароратни мониторинг қилиш ва вақт бўйича архивлаш тизимини ишлаб чиқиш;

пахта хомашёсининг ўз-ўзидан қизиб кетишини олдини олишда тунелларга ўрнатилган иссиқ ҳавони сўрувчи қурилманинг 273 миллиметрли металл қувурининг ён ва тунелнинг орқа томонларини тўсувчи мехатрон қурилмани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** пахта хомашёсини вақтинча сақлаш ғарамлари ва унинг назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** пахта ғарамларидаги хомашё сифатига таъсир этувчи ҳароратни ўзгаришини мониторинги ва пахтани қизиб кетишини олдини олиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Назарий тадқиқотлар ва амалий механика, мехатроника, иссиқлик техникаси, оптоэлектроника ҳамда ҳисобий математика, статистика методлар каби усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ғарамлардаги қуруқ ва нам пахтанинг ИҚ нурланиш оқимлари фарқини таққослаш ва пахтанинг ўзининг иссиқлик нурланиш оқимини ўлчашга

асосланган намлик ва ҳароратни назорат қилувчи самарадор оптоэлектрон усуллари аниқланган;

юқори аниқликка эга рақамли инфрақизил намлик ўлчагич орқали пахта хомашёси ғарамини назорат қилиш, ўлчов маълумотларини мониторинг тизимининг WEB Server орқали маълумотлар базасига (Data Base) узатиш ва пахта хомашёси сифатини сақлаш ва ўз-ўзидан қизишни олдини олиш тизими ишлаб чиқилган;

намлиги 11,0 % гача бўлган I-II нав, намлиги 13,0 % гача бўлган паст навли пахтани узоқ вақт сақлашда, ҳарорати 35 °C дан юқори бўлганда ғарамдаги тунеллар орқали иссиқ ҳавони чиқариб ташлаб совутишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган;

TRACE MODE дастурий пакети ва TPM138 универсиал саккиз каналли ўлчаш-бошқариш қурилмаси асосида пахта ғарамларида хомашёнинг ҳароратини ортиб кетишини олдини олиш, сақлашда ҳароратни мониторинг қилиш ва вақт бўйича архивлаш тизими ишлаб чиқилган;

пахта хомашёсининг ўз-ўзидан қизиб кетишини олдини олишда тунелларга ўрнатилган иссиқ ҳавони сўрувчи қурилманинг 273 миллиметрли металл қувурининг ён ва тунелнинг орқа томонларини тўсувчи мехатрон қурилма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди, унинг асосида пахта хомашёси ғарамларида ҳароратни назорат қилиб, фавқулотда вазиятларни бартараф этиш усуллари аниқланган;

TRACE MODE дастурий пакетига асосланган пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ёрдамида ғарамлардаги ҳарорат алмашинувини юқори даражада сақлаб туриш ва ўз-ўзидан қизиш нуқталарини аниқлашда фойдаланиш тавсия қилинган;

ғарамларда вақтинчалик сақланувчи пахта хомашёси ҳароратини, инсон омилисиз узлуксиз назорат қилиш, қизиш ҳолатларини олдини олиш ва уларни сифат кўрсаткичларини ўз вақтида сақлаб қолиш имконияти аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усул ва воситалар ёрдамида амалга оширилган назарий-тажриба тадқиқотлар натижаларининг изчиллиги билан тасдиқланади. Илмий қоидалар, хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилиги корхоналарда олинган маълумотларга асосланиб, тажриба синовлари баённомалари ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш далолатномалари билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ғарамларда вақтинчалик сақланувчи пахта хомашёсини ҳароратини, инсон омилисиз узлуксиз назорат қилиш, қизиш ҳолатларини олдини олиш ва уларни сифат кўрсаткичларини ўз вақтида сақлаб қолиш имкониятини яратиш ҳақидаги тасаввурларни аниқлаштириш ва такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ғарамлардаги пахтанинг ҳарорати ва намлигини назорат қилувчи инфрақизил ўлчагичлар ҳамда фавкулотда вазиятларни бартараф этувчи автоматик тизимни жорий этишдан иборат.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ғарамлардаги пахтанинг ҳарорати ва намлигини назорат қилувчи инфрақизил ўлчагичлар ҳамда фавкулотда вазиятларни бартараф этувчи автоматик тизим Андижон вилояти “KHANTEX GROUP” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “KHANTEX COTTON” масъулияти чекланган жамияти пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси №02/35-523, 31.08.2022 йил маълумотномаси). Натижада пахта ғарамларда вақтинчалик сақланувчи пахта хомашёсини қизиб кетишини ўз вақтида назорат қилиш ҳисобига толаларни бирламчи сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш имкониятини берган.

ВА 5-035-“Зарядланган зарралар оқими детекторини тадқиқ этиш ва унинг асосида ер силкинишини башорат қилиш учун ўлчов ахборот комплексини яратиш” (2017-2018) мавзусидаги лойиҳада ҳароратни назорат қилишнинг оптоэлектрон усулидан фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялар ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги 33-8/3518. 08.06.2022 йил маълумотномаси). Натижада фойдаланиш юқори аниқликка эга бўлган инфрақизил ўлчагичлар асосида ўлчов ахборот комплексини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг натижалари 3 та халқаро ва 4 та Республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

#### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақолалар, жумладан 4 та Республика ва 3 та чет эл илмий журналларида нашр этилган, 2 та ихтиро учун патент ва 2 та ЭҲМ учун дастурига гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республикадаги фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан тадқиқотларнинг ўзаро боғлиқлиги аниқланган.

Диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларга умумий нуқтаи назарни, муаммонинг ўрганилиш даражасини, мақсад ва вазифаларни шакллантиради, объектлар, мавзулар ва тадқиқот усуллари аниқлайди ҳамда илмий баён қилади. Тадқиқотнинг янгилиги, олинган натижаларнинг ишончилигига асосланди, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилиб, натижаларнинг бажарилиши ва ишнинг апробацияси ҳақида қисқача маълумотлар, шунингдек диссертация ҳажми ва тузилиши келтирилган.

**“Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобда пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари кўриб чиқилган. Технологик жараённинг барча босқичларида ҳарорат ва намликни назорат қилиш зарурлиги кўрсатилган: жумладан, хомашё ва тайёр маҳсулотларни етказиб бериш, қабул қилиш ва ташишда.

Намлиги юқори бўлган пахта хомашёсини сақлаш жараёнида чигитдан бошлаб ўз-ўзидан қизийди. Ўз-ўзидан қизиш жараёни бошланадиган чигитнинг критик намлиги I, II ва III навлар учун 12-13 %, IV ва V навлар учун 14-15 % ни ташкил этади. Бу эса пахта хомашёсининг намлигига мос келади.

Пахтанинг қизиши 14-22% намликда тенг бўлмаган характерга эга бўлади: бунда ҳароратни бирдан ортиши, бирмунча барқарорлашиши, сўнг секин аста пасайиши. Пахта намлиги 20 % дан ортганда ўз-ўзидан қизиш иккинчи кундан бошланади, бешинчи, олтинчи кунларда ҳарорат максимал (75%<sup>0</sup>C) га этади.

Пахта хомашёсининг сақланишидаги ҳолати ва ҳарорати тайёрлаш маскани ёки пахта завод лабораторияларида I ва II навлар учун ҳар 10 кунда, IV ва V навлар учун ҳар 5 кунда текширилиб турилади. Пахта хомашёсининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг юқори гигроскопиклигидир: атмосфера ёки тупроқ намлигини ўзига сингдириб, унинг намлигини 25-30% гача ошириши мумкин. Бўш ва бироз сиқилган ҳолатда пахта хомашёси махсус гигроскопикликка эга. Шунинг учун, ғарамларда пахта хомашёсининг ҳароратини вақти-вақти билан текшириш ва назорат қилиш керак бўлади.

Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни автоматлаштирилган бошқариш ва назорат қилиш учун ҳарорат ва намликни назорат қилишнинг турли усуллари ва қурилмалари мавжуд. Бироқ улар ўлчовларнинг керакли аниқлиги ва сезгирлигини таъминламайди. Тезкорлик ва туташувсизлик талабларига жавоб берадиган назорат асбобларини ўз ичига олган янги усуллар ва қурилмалар керак. Маълум бўлган кондуктометр, диэлькометр ва юқори микротўлқинли усуллар пахта хомашёси ғарамларида фавқулотда вазиятларни бартараф этувчи автоматик тизимларда қўлланиши учун ўлчовларнинг зарур аниқлиги ва сезгирлигини таъминлай олмайди. Пахта ғарамларида хомашёнинг ҳароратини ортиб кетишини олдини олиш ва ушбу маълумотларни архивлаш имкониятлари тўлиқ ўрганилмаган.

**“Пахта хомашёсининг ғарамларда ўз-ўзидан қизиб кетиши жараёнларининг назарий тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобда пахта толасининг физик-механик хусусиятлари ва ғарамларда ўз-ўзидан қизиб кетиши жараёнларининг назарий тадқиқоти келтирилган.

Пахта - оқ рангли юмшоқ толадан иборат ва сарғишроқ бўлиб, унинг таркиби куйидагилардан иборат бўлади:

- Целлюлоза-95 %
- ёғлар, минерал аралашмалар-5 %

Ўрта толали ( 20 мм дан 35 мм гача) ва узун толали (35 мм дан 52 мм гача) бўлади. Пахта толаси юқори мустаҳкамликка эга бўлиб, чўзилувчанлиги паст,  $t = 120^{\circ}\text{C}$  иссиқликга чидамли бўлиб, кислотада таркиби бузилади, 7 % гигроскопик хусусиятга эгадир. Пахта толасининг қалинлиги 15-25 мкм бўлиб,  $467^{\circ}\text{C}$  да эрийди,  $260-270^{\circ}\text{C}$  да парчаланadi. Пахта толасининг физик-механик хусусиятларига куйидагилар киради: чизиқли зичлиги (қалинлиги), узунлиги, мустаҳкамлиги, чўзилувчанлиги, электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги ва бошқалар.

Пахта ғарамлари майдонининг узунлиги 25 метр, кенлиги 14 метр ва баландлиги 7.5 метрни ташкил қилади. Бу ҳолатда ғарамдаги пахта ўз вазни билан босилган ҳолатда бўлиб, 60 % чигит, 32 % пахта толаси ва 8% пахта чиғаноқларидан иборат бўлади.

1-Жадвал.

### Пахта толасининг физик-механик хусусиятлари

Узилишга мустаҳкамлиги	Юқори
Иссиқлик ўтказувчанлиги	Юқори, $t = 120^{\circ}\text{C}$
Чўзилувчанлиги	Паст
Ёруғликга чидамлилиги	Юқори
Гигроскопик хусусияти	7-8 %

Пахта ғарамларида ҳароратнинг қизиб кетиш жараёни умумий моделини келтириб чиқариш учун куйидаги параметрлар аниқланди:

- 1) Пахта ғарамдаги мавжуд бўлган кислород концентрацияси.
- 2) Энергия чиқиш реакцияси.
- 3) Стехометрия реакцияси.
- 4) Икки реакциянинг эҳтимолий тезликлари.
- 5) Энергия фаоллиги.
- 6) Пахта ғарами чуқурлигига босим ва ҳароратни боғлиқликлари.

Пахта ғарамини узунлиги 25 метр, кенлиги 14 метр, шунингдек баландлиги 7.5 метр ўлчамдаги ҳажми куйидагича формула орқали аниқланади:

$$V_n = \sum_{k=1}^n \int_0^b a_k dx + \frac{1}{3b} \int_0^b h' \left( \sum_{k=1}^n \int_0^b a_k dx + 0.1 + \sqrt{0.1 \sum_{k=1}^n \int_0^b a_k dx} \right) dx =$$

$$= ab * \frac{2}{3} h + \frac{1}{3} * h * \frac{1}{3} * \left( ab + \frac{ab}{10} + \sqrt{\frac{ab}{10} * ab} \right) == \frac{2abh}{3} + \frac{h}{9} (1.1ab + ab\sqrt{1.1})$$

Пахта ғарамининг зичлигини эса куйидагича аниқлаш мумкин:


$$\rho_6 = \frac{m_6}{V_6} = \left( G\rho_3 \sum_{i=1}^R \int_0^x f_i^{(n)}(x) dx^n * V_n \right) \left( \left( \sum_{l=1}^{\infty} |r_{ij} \times R_{ij}| \right)^2 V_n \right)^{-1} =$$

$$= \left( G\rho_3 \sum_{i=1}^R \int_0^x f_i^{(n)}(x) dx^n \right) \left( \left( \sum_{l=1}^{\infty} |r_{ij} \times R_{ij}| \right)^2 \right)^{-1}$$

Ҳисоблашларда пахта ғарамларидаги кислороднинг мавжудлиги муҳим бўлиб, пахтанинг ўзининг оғирлиги ва босимига боғлиқ бўлади, бу ҳолатда куйидагича аниқланади:

$$p = \frac{F}{S} = \frac{mg}{ab} = mGM \left( \left( \sum_{l=1}^{\infty} |r_{ij} \times R_{ij}| \right)^2 * \sum_{k=1}^n \int_0^b a_k dx \right)^{-1}$$


Пахта ғарамининг ўз-ўзидан қизиқ кетиши, ғарамнинг ўзининг оғирлиги томонидан ҳосил бўлган босим туфайли тола-целлюлозанинг оксидланиш реакцияси ҳамда глюкоза ва крахмалдан иборат бўлган чигитнинг углевод мальтоза оксидланиш реакцияси рўй бериши билан боғлиқ эканлиги аниқланди.



Пахта толасини оптик микроскопияда тадқиқи натижалари (1-расм а.) шуни кўрсатдики, унга олов яқинлаштирилса тезда ёнади, оловда ёниб кетади, ёнаётган қоғоз ҳидини беради, кули оз бўлиб, кулранг, таркибида хлор ва азот йўқ.



а)



б)

1 – Расм. Оптик микроскопия орқали олинган пахта хомашёсининг кўндаланг ва бўйланма кесимда кўриниши (а) ва спектри (б)

Пахтага кирадиган сув унинг спектрини ўзгартиради. Қуруқ пахта хомашёсининг турли спектрал характеристикасидан ( 1-расм.б, 1-эгри чизик) ва 9% намликда H<sub>2</sub>O (2-эгри чизик) кўринадикки, 1,94 мкм тўлқин узунлигида сув

сезиларли ютилишга эга. Шунинг учун пахта хомашёси шу тўлқин узунлигидаги нур билан нурлантирилса ва ундан ўтган ёки қайтган нурланиш оқимининг куввати ўлчанса, у намлик микдорига қараб ўзгаради.

**“Пахта хомашёси ғарамларида намлик ва ҳароратни автоматик назорат қилувчи қурилмани ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи бобда пахта хомашёси ғарамларида ҳарорат ва намликни назорат қилувчи қурилмалар келтирилган.

Пахта хомашёси ғарамларида намликни автоматик назорат қилувчи рақамли инфрақизил намлик ўлчагич ишлаб чиқилди, унинг ишлаш жараёни қуйидагича: ғарамлардаги пахта хомашё инфрақизил (ИК) диапазонининг иккита тўлқин узунлигида нурлантирилади. Улардан бири сувнинг интенсив ютилишига тўғри келади - ўлчовчи ( $F_{0\lambda 1} = 1,94$  мкм), иккинчиси эса ютилиш кам бўлган - таянч ( $F_{0\lambda 2} = 2,2$  мкм).

Назорат қилинаётган объектдан ўтган нур оқимлари қуйидаги ифода билан тавсифланади:


$$\begin{cases} F_{\lambda 1} = \gamma_{\lambda 1} \cdot F_{0\lambda 1} \\ F_{\lambda 2} = \gamma_{\lambda 2} \cdot F_{0\lambda 2} \cdot e^{-km} \end{cases}$$

бу ерда:  $\gamma_{\lambda 1}, \gamma_{\lambda 2}$  таянч ва ўлчов тўлқин узунликларининг ўтказувчанликлари,  $\kappa$  - ютилиш коэффициенти,  $m$  - намлик массаси.

Бунда  $\begin{cases} F_{\lambda 1} = \gamma_{\lambda 1} \cdot A \cdot e^{-t/\tau} \\ F_{\lambda 2} = \gamma_{\lambda 2} \cdot F_{0\lambda 2} \cdot e^{-km} \end{cases}$  у ҳолда  $F_{\lambda 1} = A \cdot e^{-t/\tau}$

Таянч ва ўлчаш тўлқин узунликларининг нур оқимларини таққослаш вақтида, яъни  $F_{\lambda 1} = F_{\lambda 2}$  ёки  $\gamma_{\lambda 1} \cdot A \cdot e^{-t/\tau} = \gamma_{\lambda 2} \cdot F_{0\lambda 2} \cdot e^{-km}$ , одатда  $\gamma_{\lambda 1} = \gamma_{\lambda 2}$ , у ҳолда,  $m = -\frac{1}{\kappa \cdot \tau}$  яъни назорат қилинадиган объектнинг намлигининг массаси вақт оралиқларини солиштиришга пропорционалдир.

2-расмда рақамли инфрақизил намлик ўлчагичнинг блок-схемаси келтирилган. Рақамли инфрақизил намлик ўлчагич қуйидагиларни ўз ичига олади, қувватлантириш манбаи 1, иккита қарама-қарши фазали чиқишга эга бўлган тўғри бурчакли импульс генератори 2, улардан бир чиқишига частота бўлгич 3 (кетма-кет ҳисоблагич) уланган, унинг иккинчи чиқишига бир вибратор 4 орқали экспоненциал модуляторнинг 5 бошқарув кириши уланган, эмитер қайтаргич 6, иккита электрон калитлар 7 ва 8, мос равишда таянч ва ишчи тўлқин узунликларида нур чиқарадиган нур диодларилар (ишчи 9 ва таянч 10), бошқариладиган объект 11, фото қабул қилгич 12, биринчи дифференциал қурилмаси билан уланган 13, унинг чиқиши порог қурилмаси 14 орқали компараторнинг иккинчи киришига уланган 15, унинг биринчи кириши иккинчи дифференциал қурилмасининг 16 чиқишига уланган, кириш қисми нур диоди 10 га уланган, ҳисоблагич 17, унинг ҳисоблаш кириши мос келиш қурилмасининг 15 чиқишига уланган ва унинг “Нол созламалари” кириши бир вибратор 4 чиқишига уланган.



2 – расм. Рақамли инфрақизил намлик ўлчагичнинг блок-схемаси

Рақамли инфрақизил намлик ўлчагичда 2,2 мкм (таянч) нур спектрлари бўлган нур диодлари ва 1,94 мкм (ишчи) нур спектрлари бўлган нур диодларидан фойдаланилган.

2-жадвал.

### Оптик нур манбалари ва фотодиод параметрлари

№	Нур манбалари ва фотоқабулқилгич	Тўлқин узунлиги, мкм	Ярим кенглик спектри, нм	Нурланиш қуввати, мВт
1	Ўлчовчи нур диоди	1.94	120	1.2
2	Таянч нур диоди	2.20	130	1.2
3	Фотодиод	1.8-2.4	600	1.1

Пахта ғарамларида ҳароратини назорат қилувчи оптоэлектрон қурилма ишлаб чиқилди. Пахта ғарамларининг иссиқлик нурланиш оқими  $F_{RF1}(\lambda)$  1, унинг ҳароратига муносиб бўлиб,  $l$  масофани босиб ўтади, модулятор 2 томонидан модуляция қилинади ва биринчи нурланиш қабул қилувчининг сезгир майдонига тушади.

Биринчи фото қабул қилгич сезгир элементи юзасига етиб келган нурланиш оқими оптоэлектрон қурилмалар назариясига кўра қуйидагича аниқланади:

$$F_{RF1}(\lambda) = \tau_s(\lambda) M_{co}(\lambda) \frac{A_{co} D_{RF1}^2}{4l^2}$$

Бу ерда:  $\tau_c(\lambda)$  атмосферанинг спектрал ўтказувчанлиги;

$M_{co}(\lambda)$  - пахта ғарамлари сиртида чиқаётган энергия ёрқинлигининг спектрал зичлиги;

$A_{co}$  - пахта ғарамларининг нурланиш юзасининг майдони;

$D_{RF1}$  - биринчи нурланиш қабул қилувчининг кириш юзасининг диаметри;

$l$  - пахта ғарами ва биринчи фото қабул қилгич орасидаги масофа.

Пахта ғарамининг ҳарорати мутаносиб равишда қурилманинг чиқишида кучланишлар нисбати тенг бўлади:


$$\frac{U_{\lambda 1m}}{U_{\lambda 2m}} = \frac{A_{CR} \varepsilon_{\lambda 1ms} \sigma T^4}{\gamma_{co} F_{o\lambda 2}} \text{ ёки } \frac{U_{\lambda 1m}}{U_{\lambda 2m}} = k T^4, \text{ бунда: } k = \frac{A_{CR} \varepsilon_{\lambda 1ms} \sigma}{\gamma_{co} F_{o\lambda 2}} - \text{ доимий қиймат.}$$

Бу ҳолда пахта хомашёси ғарамлари ҳарорати қуйидагича аниқланади:

$$T_{co} = \sqrt[4]{\frac{1}{k} \frac{U_{\lambda 1m}}{U_{\lambda 2m}}}$$

Шундай қилиб, охириги ифодадан кўриниб турибдики, пахта хомашёси ғарамлари ҳарорати кучланишлар нисбатига пропорционал  $U_{\lambda 1m}$  ва  $U_{\lambda 2m}$ , ҳамда қайд қилиш мосламаси томонидан қайд этилади, бу ерда  $k$  ҳисобга олинади.

Пахта хомашёси ҳароратини назорат қилувчи қурилма 3-расмда келтирилган бўлиб, у пахта ғарами-1, модулятор-2, фото қабул қилгичлар-3 ва 7, кучайтиргичлар-4 ва 8, амплитуда детекторлари-5 ва 9, интеграторлар-6 ва 10, сигнал нисбатини олиш мосламаси-13, бошқариш қурилмаси-12, нур диоди-11, қайд қилиш қурилмаси-14, двигатель-15 лардан иборат.



3-расм. Пахта хомашёси ғарамларида ҳароратни автоматик назорат қилувчи қурилма блок схемаси.

Пахта ғарамлари ҳароратини назорат қилувчи оптоэлектрон қурилмада иссиқлик қабул қилувчи қурилма МГ-30 ишлатилган бўлиб, унинг асосий параметрлари 3-жадвалда келтирилган, у кенг спектрда иссиқлик сезгирликка


эга хамда 2-20 мкм спектрал ораликда иссиқлик нурланишларни қабул қилади.

3-Жадвал.

### МГ-30 асосий параметрлари

ИҚҚҚ	Ишчи харорати, °С	Тўлқин узунлиги оралиғи, мкм	Электр сиғими, Пф	Дифференциал қаршилиғи, Ом	Таъминот кучланиши, В
МГ-30	-200...+60	2 - 20	55	50	12
ФД 245 Б	-200...+60	0.7- 0.76	40	70	12

Пахта ғарамлари хароратини назорат қилувчи оптоэлектрон қурилма асосий таркибий қисмларидан бири бу бирламчи ўзгартиргич бўлиб, унинг конструкцияси 4-расмда келтирилган. Бу ерда 1-зонд корпуси, 2-призма, 3-таянч ва ўлчовчи фото қабул қилгичлар, 4-таянч нур диоди.



4 - Расм. Пахта хомашёси ғарамларида хароратни ўлчаш зонди

Призмали зонд дастлаб эталлон намуна билан калибрлаб олинади, кейин назорат объектига киритилиб, сўнг ўлчов ўтказилади. Призманинг ўлчов юзи назорат объекти билан тўқнашади: бу ҳолатда иссиқлик қабул қилувчи қурилма-3 ғарамдаги пахтанинг хароратига боғлиқ бўлган ИҚ нурларни қабул қилади ва харорат тўғрисидаги сигналлар кабел орқали фотоэлектрик сигналларни қайта ишлаш блокига берилади. Призма шаффоф ойнадан тайёрланиши мумкин.


**“Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими”** деб номланган тўртинчи бобда TRACE MODE 5.12 дастурлаш комплекси ёрдамида пахта хомашёсини ғарамларда сақлаш жараёнларини автоматлаштириш тизими кўрсатиб берилган. TRACE MODE 5.12 дастурлаш комплекси ёрдамида пахта хомашёсини ғарамларда сақлаш жараёнларини автоматлаштиришда ўлчов қурилмасидан маълумот ўқиш, олинган қийматлар асосида сақлаш жараёнини бошқариш бир қанча қулайликлар, ютуқлар ва имкониятлар яратиб бериши келтирилган, жумладан: бир вақтни ўзида экранни ишлаб чиқариш жараёни тасвири туширилган расмда керакли катталикларни турган жойи бўйича кўриш мумкинлиги, бошқариш ва назорат қилишнинг қулайлиги, самарадорлик,

аниқлик ва ишончлилик даражасини ошириши, маълумотларни узоқ муддат сақлай олиши, телефон ёки интернет тармоғи орқали хабар бериши, бундан ташқари пахта хомашёсини ғарамларда сақлаш жараёнларини бошқаришда инсон фактори камайтирилади, бу эса хавфсизлик даражасини оширади.

TRACE MODE ёрдамида бир вақтнинг ўзида маълумотлар олиш, узатиш, қайта ишлаш, чоп этиш, масалани дастурлаш ва шахсий компьютерга уланган контроллерларни назоратчи ишчи столи орқали бошқариш мумкин. Барча ишланмалар IEC-1131 халқаро стандартига асосан график редакторлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳозирги кунда TRACE MODE дастурлаш пакети жуда кўп саноат тармоқлари ва ишлаб чиқариш корхоналарининг автоматлаштирилган цехларида ишлатилиб келинмоқда.


TRACE MODE дастурий пакети ва TPM138 универсал саккиз каналли ўлчаш-бошқариш қурилмаси асосида пахта ғарамларида хомашёнинг ҳароратини ортиб кетишини олдини олиш имконияти яратилди.

Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқариш самарадорлигини орттириш учун автоматлаштирилган тизим ишлаб чиқилиб, расм-5 да унинг блок-схемаси, тизим умумий бошқарув блокига уланган тўрт ҳарорат датчиклари-1, кетма-кет уланган қайд этиш қурилмаси-2 ва контроллер-3, унинг бир чиқиши компьютер-4 билан боғланган, бошқа чиқиши реле-5 билан боғланган, у туннелдаги ҳавони сўриб олувчи вентилятор-6 ни улаб, ғарамдаги иссиқ ва нам ҳавони сўриб чиқариб ташлаш йўли билан совутишни амалга оширади. Пахта хомашёси ғарамларида ҳароратни назорат қилиб, фавқулотда вазиятларни бартараф этувчи автоматик тизим ишлаб чиқилди, унда ғарамлардаги ҳарорат 8 жойдан (4 та бурчаклар томондан, 4 таси эса ён, олд ва орқа томонлардан) 4 метр чуқурликда ўлчанади. Пахта учун нормал ҳарорат агар у 2-3 кун ичида бир хил турса, 35 °С дан ортмаслиги керак (сентябр-октябр ойларида). Қолган даврларда қиш ҳавосида ташқи ҳароратдан пахтанинг ичидаги ҳарорат 15-16 °С атрофида иссиқ томонга фарқ қилиб, сақланаётган пахта тўдаларидаги ҳарорат биринчи ўлчашда 35 °С дан ортиқ бўлса ёки кейинги ўлчашларда бир нуқтанинг ўзида 2-3 даражага ортиб кетса, ғарамдаги иссиқ ва нам ҳавони сўриб чиқариб ташланади ва шу йўли билан совутилади. Пахтанинг ўз-ўзидан қизиб кетишининг олдини олиш учун иссиқ ҳаво туннелларга ўрнатилган ҳаво сўрувчи қурилмалар ёрдамида чиқариб ташланади. Ҳаво сўриш учун УВП, ВЦ-8М, ВЦ-10М қурилмаларидан фойдаланилади.




5-расм. Пахта хомашёси ғарамларида ҳароратни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими блок-схемаси

6-расмда пахта хомашёси ғарами ҳароратини ўлчаш ва бошқариш учун TRM138 қурилмаси (а) ва у билан боғловчи яратилган каналлар рўйхатини ҳосил қилувчи ойна келтирилган (б).




6 -расм. TRM138 қурилмаси (а), яратилган каналлар рўйхатини ҳосил қилувчи ойна (б)

7-расмда пахта ғарамидаги ҳароратни ўлчаш жойлари ва 8-расмда пахта ғарамидаги ҳароратни ўлчаш натижалари келтирилган.




**7 - расм. Пахта ғарамидаги ҳароратни ўлчаш жойлари**

Пахта хомашёси ғарамларидаги иссиқ ҳавони туннеллар орқали сўриб олинади. Ҳозирда мавжуд усулларда туннелларнинг олд томонига ҳавони сўриб олувчи вентилятор ўрнатилади. Вентилятор ён атрафи ва туннелнинг орқа томонидаги туйнукни 2 метрли пахта билан беркитилади. Ушбу жараёнлар мураккаб ва қўл меҳнати талаб этилганлиги сабабли, автоматлаштирилган шиберлардан фойдаланилди.




**8-расм. Пахта ғарамидаги ҳароратни ўлчаш натижалари**

9-расмда пахта хомашёси ғарамидаги ҳароратларни ўлчаш мониторинги ва архивланиши кўриниши келтирилган.




9 - расм. Пахта хомашёси ғарамидаги ҳароратларни ўлчаш мониторинги ва архивланиши

Пахтанинг ўз-ўзидан қизиб кетишининг олдини олиш учун баландлиги 2 метр, эни 1 метрли тунелларга ўрнатилган, иссиқ хавони сўрувчи курилманинг 273 миллиметрли металл қувурининг ён ва тунелнинг орқа томонларини тўсувчи мехатрон қурилма таклиф этилди (10-расм).



10 - расм. Пахта хомашёси ғарамларидаги тунелларни автоматик беркитиш ва очиш учун мехатрон қурилма

11-расмда БЛ-УВП10М вентиляция қурилмаси (а) ва уни автоматик бошқариш схемаси (б) келтирилган.



11-расм. БЛ-УВП10М вентиляция қурилмаси (а) ва уни автоматик бошқариш схемаси (б)

БЛ-УВП10М вентиляция қурилмаси ёрдамида ўрнатилган вақт асосида (кеч ва эрталаб), берилган вақт давомийлигида (6-8 соат) иссиқ ҳавони туннеллардан сўриб чиқариб ташлаш имконияти яратилди.

### Хулоса

1. Пахта ғарамининг ўз-ўзидан қизиб кетиши, ғарамнинг ўзининг оғирлиги томонидан ҳосил бўлган босим туфайли тола-целлюлозанинг оксидланиш реакцияси ҳамда глюкоза ва крахмалдан иборат бўлган чигитнинг углевод малтоза оксидланиш реакцияси рўй бериши билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

2. Ғарамлардаги куруқ ва нам пахтанинг ИҚ нурланиш оқимлари фарқини таққослаш ва пахтанинг ўзининг иссиқлик нурланиш оқимини ўлчашга асосланган намлик ва ҳароратни назорат қилувчи самарадор оптоэлектрон усуллар аниқланган.

3. Юқори аниқликка эга рақамли инфрақизил намлик ўлчагич орқали пахта хомашёси ғарамини назорат қилиш, ўлчов маълумотларини мониторинг тизимининг WEB Server орқали маълумотлар базасига (Data Base) узатиш ва пахта хомашёси сифатини сақлаш ва ўз-ўзидан қизишни олдини олиш тизими ишлаб чиқилган.

4. МГ-30 юқори сезгирли иссиқлик қабул қилгич асосида пахта ғарамлари ҳароратини назорат қилиш учун бирламчи ўзгартиргич ва оптоэлектрон қурилма ишлаб чиқилди.

5. Пахта хомашёсини ғарамларда сақлашни назорат қилиш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Унинг асосида

пахта хом-ашёси ғарамларида ҳароратни назорат қилиб, фавқулотда вазиятларни бартараф этиш имконияти яратилди.

6. Намлиги 11,0 % гача бўлган I-II нав, намлиги 13,0 % гача бўлган паст навли пахтани узоқ вақт сақлашда, ҳарорати 35 °C дан юқори бўлганда ғарамдаги туннеллар орқали иссиқ ҳавони чиқариб ташлаб совутишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилган;

7. TRACE MODE дастурий пакети ва TPM138 универсиал саккиз каналли ўлчаш-бошқариш қурилмаси асосида пахта ғарамларида хомашёнинг ҳароратини ортиб кетишини олдини олиш, сақлашда ҳароратни мониторинг қилиш ва вақт бўйича архивлаш тизими ишлаб чиқилган;

8. Пахта хомашёсининг ўз-ўзидан қизиб кетишини олдини олишда тунелларга ўрнатилган иссиқ ҳавони сўрувчи қурилманинг 273 миллиметрли металл қувурининг ён ва тунелнинг орқа томонларини тўсувчи мехатрон қурилма ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ФИЛИАЛ ФЕДЕРАЛЬНОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО БЮДЖЕТНОГО  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УЧРЕЖДЕНИЯ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ  
«НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ «МЭИ»  
В Г.ТАШКЕНТЕ  
НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КУЛДАШОВ ГОЛИБЖОН ОББОЗЖОНОВИЧ**

**СИСТЕМА АВТОМАТИЗИРОВАННОГО КОНТРОЛЯ И  
УПРАВЛЕНИЯ ХРАНЕНИЕМ ХЛОПКА – СЫРЦА В БУНТАХ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы. Мехатроника и  
робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2022**

**Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2. PhD/T2865**

Диссертация выполнена в филиале федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования «Национальный исследовательский университет «МЭИ» в г.Ташкенте и в Наманганском инженерно технологическом институте.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте Научного совета Наманганского инженерно-технологического института ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Далиев Хожакбар Султанович**  
доктор физико - математических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Джураев Анвар Джураевич**  
доктор технических наук, профессор

**Муминов Мансурбек Рахимович**  
доктор философии (PhD) по техническим наукам,  
старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт  
натуральных волокон Узбекистана**

Защита диссертации состоится “17” декабря 2022 года в 09<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.T.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-й этаж, малый зал совещаний, тел. (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс (+99869) 228-76-75, e-mail: [nei\\_nfo@edu.uz](mailto:nei_nfo@edu.uz)).

Диссертация доступна в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована №201). Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Касансайская-7, Тел.: (+99869) 228-76-68

Автореферат диссертации разослан «06» декабря 2022 года.  
(реестр протокола рассылки № 93 от «06» декабря 2022 года).



*Муродов*

**Р.М.Муродов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

**Х.Т.Бобожанов**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор технических наук, доцент

**К.М.Холиков**

Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире повышению качества продуктов, получаемых из хлопка-сырца, организацию его хранения и соблюдения оптимальных режимов технологии переработки на всех этапах предъявляются особое внимание. Хлопок выращивается в основном в 38 странах мира, и на долю этого продукта приходится 95% от общего объема хлопка. Качество выпускаемой продукции из хлопка - сырца является ее основной характеристикой, а также наиболее эффективным средством удовлетворения растущих запросов потребителей. Правильное складирование и выбор технологической переработки зависят от качественных показателей хлопка-сырца, а именно, его влажности и температуры хранения в бунтах. Ненадлежащий контроль этих параметров в бунтах приводит к не желаемым последствиям. В связи с этим, особое внимание уделяется качеству хлопка сырца при хранении и автоматизацию процессов.

На сегодняшний день в мире ведутся исследования направленные на автоматизацию процессов контроля и хранения хлопкового сырья на бунта, для обеспечения качества и конкурентоспособности текстильной продукции. В этом направлении приоритет отдается исследованиям по созданию систем управления на базе современных измерительных приборов с высокой точности, позволяющих длительное время сохранять хлопок в хорошем состоянии и получать из него высококачественное волокно, а также предотвращать процессы её самовозгорания. Вместе с тем, актуальной является разработка автоматизированной системы контроля и управления хранением хлопкового сырья на бунтах, который является взрывоопасным и пожароопасным цифровых инфракрасных измерительных приборов, не образующих искр и возможностью подключения к компьютерам.

В нашей республике одно из важнейших мест в экономике занимает хлопководство и связанная с ним перерабатывающая промышленность, в том числе по модернизации и техническому перевооружению отраслей, кардинально изменился подход к выращиванию, переработке хлопка-сырца и производству из него волокна, отвечающего высоким международным стандартам. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены задачи, в том числе "... увеличение объема производства продукции текстильной промышленности в 2 раза". Для выполнения поставленных задач, в частности, важно создание автоматизированной системы контроля и управления хранением хлопка-сырца на бунтах на основе современных измерительных методов и приборов, контролирующих качественные показатели сырья, полуфабрикатов и готовое изделие.

Представленное диссертационное исследование, в определенной мере, способствует выполнению задач, изложенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», а также постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-5989 «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности » от 5 мая 2020 года и №

ПП-3407 «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления хлопковой отраслью» от 28 ноября 2017 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: III. «Энергия, энергосбережение, транспорт, машиностроение и приборостроение; развитие современной электроники, микроэлектроники, фотоники, электронного приборостроения».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования, направленные на решение актуальных задач по разработке устройств контроля влажности и температуры хлопка-сырца в бунтах, осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в том числе в University of Michigan и General Electric (США), Technical University of Ilmenau и Siemens (Германия), HAWK (Великобритания), Sony и Tokyo technology institute, Mitshyushi (Япония), University of Cantabria (Испания), в Костромском государственном техническом университете, Ивановской государственной текстильной академии (Россия) и АО «Научный центр хлопковой промышленности», Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (Узбекистан).

Определенный вклад в решение научных проблем совершенствования устройств контроля влажности и температуры хлопка-сырца в бунтах внесли L. Zoltan, N. Bardahl, A. Schilling, E. Zimmermann, R. Arey, X.A. Фарадж, Ф.А. Валиев, М.Н. Нуриев, а также отечественные ученые Р.А. Гуляев, А.Е. Лугачев, Б.М. Мардонов, Б.Г. Қодиров, М.Т. Ходжиев, Р.Х. Махсудов, Р. М. Мурадов и др. Усилиями этих ученых разработаны и развиты теоретические основы проектирования и расчета устройств контроля технологических параметров различных материалов, предложены и внедрены в производство оригинальные конструкции и схемные решения этих датчиков.

